



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қишлоқ хўжалиги техникаси
ва технологияларини сертификатлаш ва
синаш маркази директори
М.А. Хақимов
2024 йил _____

**Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва
синаш марказида Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш
бўйича амалга оширилган ва келгусида режалаштирилган ишларни
амалга ошириш юзасидан ўтказилган ўрганиш**

4 – сон БАЁНИ

2024 йил 17 апрел

Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси.

Раислик қилди: А.Е.Толибаев Марказ директорининг биринчи ўринбосари-бош муҳандиси.

Иштирок этди: С.А.Халилов Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи

А.Т.Тошқулов Марказ директорининг ўринбосари.

М.Ғ.Абдуллаев Марказ Ходимлар билан ишлаш мутахассиси.

Ш.Н.Нишаналиев Касаба-уюшма кўмита раиси.

Қатнашдилар: Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи, Касаба-уюшма кўмита аъзолари, лаборатория ва бўлим бошлиқлари.

КУН ТАРТИБИ:

1. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш марказида Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича амалга оширилган ва келгусида режалаштирилган ишларни амалга ошириш, коррупцияга муросасиз муносабатда бўлиш ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш тадбирларига Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази ходимларини онгли равишда тушунишларига ва кўмак беришларига эришиш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс нозорат ва коррупсияга қарши курашиш бўлими бошлиғи С. Халилов коррупсия қарши кураш бўйича охириги йилларда амалга оширилган ижобий ишлари, қабул қилинган қонуний ҳужжатлар ҳақида ма'руза қилиб, тайёрланган тақдимотлар орқали коррупсия оқибатлари билан барчани таништирди.

Семинарда коррупсиянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, раҳбар ва бошқа ходимларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш юзасидан тушунчалар берилди.

Марказнинг Ички аудит ва комплаенс нозорати штат бирлиги ҳозирги кунда вакант эканлиги танқидий кўриб чиқилди.



Бундан ташқари Марказнинг очиклик сиёсати, қисқа рақамининг доимий ишлаб туриши, коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги, масъул ходимнинг функционал мажбуриятлари (низом) нинг тасдиқланганлиги, ходимларнинг коррупция йўналишида малака оширганликлари, коррупция йўналишида тарғибот материалларининг мавжудлиги, “Е-Антикор” платформасига тегишли маълумотларнинг ўз вақтида юклаб борилиши ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, ушбу йўналишда Марказнинг масъул ходими белгиланган вазифаларни талаб даражада бажарган.

Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи С.Халилов томонидан Қишлоқ хўжалиги вазири, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа юқори турувчи ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қўйилган талаблар етказилди. Шунингдек, янги ишга кираётган ходимларни коррупцияга қарши курашиш йўналишида қисқа муддатли ўқитишни ташкил этиш лозимлиги ва бу йўналишда тегишли видео слайдлар тайёрланиши тавсия этилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш марказида коррупцияга қарши курашиш, тизимда салбий ҳолатларга муросасиз бўлиш, бундай ҳолатларининг юзага келишига омил бўлган камчилик ва муаммоларни бартараф этишни кучайтириш мақсадида, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўрганиш натижаси ва бажарилган ишлар юзасидан маълумотнома тайёрланиб вазирликга тақдим этилсин.

3. Қисқа муддатда Ички аудит ва комплаенс назорати йўналишидаги бўш иш ўрнига ходим ишга қабул қилиниши таъминлансин.

4. Ички аудит ва комплаенс назорати йўналишидаги бўш иш ўрнига ишга қабул қилинган ходим томонидан “Е-Антикор” платформасининг тўлиқ юритилиши назоратга олинсин.

5. Коррупция йўналишда қонунчилик талабларини бузган ҳар қандай ходимга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилиши муқаррарлиги тўғрисида барча ходимлар огоҳлантирсин.

Баёнлаштирувчи



М.Абдуллаев